



## ТИЖОРАТ БАНКЛАРИНИНГ ФАОЛИЯТИНИ ТАРТИБГА СОЛИШНИНГ МЕТОДОЛОГИК АСОСЛАРИ

*Муродова Дилноза Чоринвна,*

*PhD, Тошкент молия институтини Банк иши кафедраси докторанти*

*Тошкент, Ўзбекистон. Email: [dilnozamurodova1333@inbox.ru](mailto:dilnozamurodova1333@inbox.ru)*

*ORCID: 0000-0002-3613-9392*

## METHODOLOGICAL FRAMEWORK FOR REGULATION OF THE ACTIVITIES OF COMMERCIAL BANKS

*Murodova Dilnoza Choriyevna,*

*PhD, Tashkent Institute of Finance Department of Banking*

*Tashkent, Uzbekistan. Email: [dilnozamurodova1333@inbox.ru](mailto:dilnozamurodova1333@inbox.ru)*

*ORCID: 0000-0002-3613-9392*

### **JEL Classification: G2, G21**

**Аннотация:** Тижорат банкларининг фаолиятини тартибга солишнинг бирламчи методологик асоси бўлиб, Базель қўмитасининг банклар фаолиятини тартибга солиш ва назорат қилиш бўйича ишлаб чиқилган талаблари ҳисобланади. Базель-I стандарти 1988 йилда ишлаб чиқилган ва амалиётга биринчи марта 1993 йилда жорий этилган. Базель стандартининг амалиётга жорий этилиши тижорат банклари фаолиятидаги рискларни баҳолаш амалиётини такомиллаштириш йўлидаги муҳим қадамлардан бири ҳисобланади.

Тижорат банкларининг фаолиятини тартибга солишда пул-кредит сиёсатининг инструментларидан фойдаланиш амалиёти муҳим ўрин тутлади. Марказий банк томонидан рестрикцион пул-кредит сиёсатининг амалга оширилиши тижорат банкларининг ликвидлигига нисбатан кучли салбий таъсирни юзага келтириши мумкин. Ўзбекистон Республикасида Марказий банк тижорат банклари фаолиятини тартибга

солувчи ва назорат қилувчи расмий орган ҳисобланади.

Мақолада Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларининг ликвидлигини тартибга солиш амалиётини такомиллаштириш билан боғлиқ бўлган долзарб муаммолар аниқланган ва уларни ҳал қилишга қаратилган илмий таклифлар ишлаб чиқилган. Тижорат банкларининг ликвидлигини таъминлаш уларнинг тўловга қобиллигини таъминлашнинг муҳим омили бўлгани ҳолда, мамлакат иқтисодиётида амалга ошириладиган тўловларнинг узлуксизлигини таъминлашнинг зарурий шарти ҳисобланади.

Шу сабабли, тижорат банкларининг ликвидлигини таъминлаш пруденциал банк назоратининг асосий объектларидан бири ҳисобланади.

**Abstract:** The main methodological basis of commercial banks is the requirements of the Basel Committee regarding the regulation and monitoring of banks. The Basel-I standard was developed in 1988 and was

*introduced into this practice in 1993. The introduction of the Basel standard is one of the important steps to improve the practice of risk assessment in the activities of commercial banks.*

*The practice of using monetary policy instruments plays an important role in regulating the activities of commercial banks. The implementation of a restrictive monetary policy by the Central Bank can have a strong negative impact on the liquidity of commercial banks. In the Republic of Uzbekistan, the Central Bank is an official body governing the activities of commercial banks.*

*The article identifies topical problems related to improving the practice of regulating the liquidity of commercial banks of the Republic of Uzbekistan and develops scientific proposals aimed at solving them. Ensuring the liquidation of commercial banks is a prerequisite for the continuity of payments in the country's economy without an important factor in ensuring their payment.*

*Consequently, ensuring the liquidity of commercial banks is one of the main objects of control of prudent banking.*

**Калит сўзлар:** *Базель қўмитаси, регулятив капитал, молия бозори, "CAMELS", тижорат банки, риск, депозит*

**Keywords:** *Basel Committee, Regulatory Capital, Financial Market, "CAMELS", Commercial Bank, Risk, Deposit*

**Кириш.** Халқаро ҳисоб-китоблар банкининг маълумотларига кўра, дунёнинг 150 дан ортиқ мамлакатада (дунёда 193 та мустақил давлат мавжуд), шу жумладан, Ўзбекистон Республикасида тижорат банклари капиталнинг етарлигини баҳолаш бўйича Халқаро Базел қўмитаси томонидан ишлаб чиқилган стандарт қўлланилади. Ушбу стандартга кўра,

тижорат банки регулятив капиталнинг етарлигини аниқлаш учун регулятив капитал суммаси банкнинг рискка тортилган активлари суммасига бўлинади. Ушбу коэффициентнинг энг паст меъёрий даражаси 0,08 ёки 8% қилиб белгиланган. Агар тижорат банкида мазкур коэффициентнинг амалдаги даражаси 8 фоиздан паст бўлса, у ҳолда, ушбу банкнинг баланси ноликвид ҳисобланади. Регулятив капиталнинг етарлилик коэффициенти тижорат банкларининг тўловга қобиллигини тавсифловчи муҳим кўрсаткич ҳисобланади. Шунингдек, Базель стандартига кўра, биринчи даражали капиталнинг етарлиги ҳам баҳоланади ва бунда биринчи даражали капиталнинг етарлилик коэффициенти қўлланилади. Биринчи даражали капиталнинг етарлилик коэффициенти биринчи даражали капитални банк активларининг рискка тортилган суммасига бўлиш йўли билан аниқланади ва унинг энг паст меъёрий даражаси 0,04 ёки 4% қилиб белгиланган.

**Материал ва метод.** Хорижлик иқтисодчи олимлар томонидан амалга оширилган илмий тадқиқотларнинг натижалари кўрсатдики, қисқа муддатда фоиз ставкасини баҳолаш учун РБС моделлардаги умумий мувозанатда барча уч шарт бир вақтнинг ўзида кўриб чиқилади [1]. Шунинг учун қисқа муддатда мувозанат тезлигини баҳолаш учун биз нарх катъийлигисиз (мослашувчан нархларда) ёки РБС моделини умумий мувозанат модели қурилади. Ушбу моделда иқтисодиётнинг ўзига хос хусусиятлари ҳисобга олинади. Масалан, иқтисодиётнинг очиқлиги ёки кичиклиги ёки хом ашё экспортининг юқори эканлиги. Мақсадлар учун иқтисодиётнинг уч тармоқли тузилмасини умумий мувозанатда (энергия ишлаб чиқарувчи сектор учун, мамлакатда маҳсулот ишлаб чиқарадиган сектор ва чет элда маҳсулот ишлаб чиқарадиган сектор учун) кўриб чиқиш мақсадга мувофиқдир.

**Тижорат банкларининг фаолиятини тартибга солиш тушунчасининг таърифланиши<sup>1</sup>**

<b>Муаллифлар</b>	<b>Таъриф</b>
Каплан Р.С (2019).	пул-кредит шароитларининг нейтраллигига мос келувчи фоиз ставкасини баҳолаш турли омилларнинг кенг жиҳатларини ҳар томонлама таҳлил қилишни талаб қиладиган фандан кўра, кўпроқ санъатдир
РЕЙ Ҳ.(2018).	мувозанатлашган ставкани баҳолашнинг приципиал имконияти ўзига хос шартни бажарилиш имкониятига, яъни, пул сиёсатининг трилеммаси эмас, балки дилеммасининг ҳаракати билан боғлиқ
Лаубач Т ва Виллиамс (2003)	ҳисоб-китоблар қисқа муддатли мувозанатли фоиз ставкасини баҳолашни акс эттиради
Бейер Р.С ва Виеланд В. (2019).	фойда кетидан кувиб банкнинг юқори рискка дучор қилиш унинг ликвидлилигига нисбатан кучли салбий таъсирни юзага келтиради

Фоиз ставкалари тебранишидаги ноаниқликлар турли омиллар, жумладан, молия бозори иштирокчиларининг кутилмаларига боғлиқ бўлиб, фоиз ставкаларини прогнозлашда инобатга олинадиган муҳим омиллардан бири ҳисобланади.

АҚШ иқтисодиёти мисолида мувозанат ставкасини аниқлаш бўйича ёндашувларнинг умумий кўриниши Ж.Ҳамилтон, И.Харрис, С.Граф, Ҳ.Линдвалл ва бошқаларнинг илмий тадқиқотларида келтирилган [2].

Мувозанатли фоиз ставкаси иқтисодиётнинг узок муддатли мувозанатига мос келадиган ставка сифатида Ҳе ва бошқаларда ўрганилган [3].

Реал мувозанат ставкасини аниқлаш концепцияси капитал активлари нархини белгилашнинг истеъмол моделига асосланади. Ушбу моделнинг асосий башоратлари амалда аниқ тасдиқни топа олмайди [4].

Иқтисодий адабиётда кредит маблағлари таклифи (жамғармаси) ва

уларга бўлган талаб (инвестициялар) ўртасидаги мувозанатнинг тавсифий моделлари кенг ёритилган. Улар талаб ва таклиф омиллари орқали қарзга олинган пул нархини ўрганади. Бу моделлар турли назарий моделларнинг алоҳида натижаларига таянади ва реал фоиз ставкаси даражасини эмас, балки унинг ўзгариш йўналишини баҳолайди [5].

Мувозанатли фоиз ставкаларини баҳолашнинг муҳим йўналиши молиявий барқарорлик рискларининг мумкин бўлган тўпланиши туфайли мувозанат ставкаларининг стандарт таърифида иқтисодиётнинг номуносивлигига йўналтирилган ишлар билан ифодаланади [6].

Маҳаллий иқтисодчилардан Н.Жумаевнинг хулосасига кўра, Марказий банкнинг дисконт сиёсати тижорат банклари фаолиятини ва пуллар таклифини тартибга солишда муҳим ўрин тутаяди ва уни такомиллаштириш учун қуйидаги тадбирларни амалга ошириш зарур:

– Марказий банк ташкил қиладиган кредит аукционида кредит ставкаларининг бозор механизмлари, яъни талаб ва таклиф асосида шаклланишига имкон яратиш лозим;

– тижорат банкларининг ликвидлилик муаммоларини бартараф этиш ва банк тизимига нисбатан аҳоли ишончини ошириш мақсадида дисконт инструментининг турли шакллари жорий қилиш керак;

– ломбард ставкасида кредитлаш орқали қимматли қоғозлар иккиламчи бозорининг ривожланишини рағбатлантириш зарур;

– бозор дастаги ҳисобланган векселларни (тратта) жорий қилиш масаласини қайта кўриб чиқиш лозим [7].

Р.Шомуродовнинг фикрича, банк тизимида монетар воситаларни такомиллаштириш учун иқтисодийнинг пулга бўлган реал талабини тўлиқ қондириш, тижорат банкларининг ликвидлигини ва банк тизимида ҳисоб-китоблар самарадорлигини ошириш мақсадида, тижорат банкларининг вакиллик ҳисобрақамидаги ҳамда мажбурий захирадаги маблағларини бирлаштириб, уларнинг резерв активларини мажбурий захирадаги маблағлари ҳажмидан юқори бўлишини таъминлаш зарур [8].

О.Йўлдошевнинг хулосасига кўра, тижорат банкларининг ликвидлигини таъминлашда кредит рискинни бошқариш бўйича Базель кўмитасининг талабларини амалиётга тўлиқ жорий этиш муҳим аҳамият касб этади. «Базель II» нинг муҳим талабларидан бири етарли даражада захира ажратмалари билан таъминланмаган банк кредитларининг риск даражасини ошириш талабидир [9].

**Натижалар.** Халқаро банк амалиётида тижорат банклари капиталининг етарлилигини баҳолаш бўйича учта методика мавжуд бўлиб, уларнинг ичида нисбатан мукаммали бўлиб, Базел кўмитаси экспертлари томонидан ишлаб чиқилган методика ҳисобланади.

Тижорат банки капиталининг етарлилигини баҳолаш бўйича Халқаро ҳисоб-китоблар банки томонидан ишлаб чиқилган методикада капиталнинг етарлилиги регулятив капитални активларнинг умумий суммасига бўлиш йўли билан аниқланади. Ушбу коэффицентнинг энг паст норматив даражаси 8% қилиб белгиланган.

АҚШ Федерал захира тизими томонидан ишлаб чиқилган методика бўйича, тижорат банки капиталининг етарлилиги капитални депозитларнинг умумий суммасига бўлиш йўли билан аниқланади. Ушбу коэффицентнинг энг паст норматив даражаси 10% қилиб белгиланган.

Базель-II стандартида контрагентда ҳосилавий қимматли қоғозлар, РЕПО битими бўйича юзага келадиган кредит рисклари даражаси ҳам капиталнинг етарлилигини баҳолашда ҳисобга олинади.

Базель-II да активларни рискка тортилган суммаси (RWA) таркиби ўзгаради ва ушбу таркиб қуйидагича аниқланади:

$$RWA=CRWA+OR+MP$$

Бу ерда:

CRWA-активларни кредит рисккага тортилган суммаси

OR- операциял риск

MR-бозор риски

Базель-II стандартида кредит рискинни баҳолашда қўлланиладиган

коэффициентлар куйидагиларни  
хисобга олади:

-мамлакатнинг суверен кредит  
рейтинги;

-банкнинг рейтинги;

-кредит олган мижознинг рейтинги;

-банк операциясининг тури.

Базель-II нинг муҳим талабларидан бири етарли даражада захира ажратмалари билан таъминланмаган банк кредитларининг риск даражасини ошириш талабидир. Ушбу талабнинг моҳияти шундаки, кредитнинг қайтариш муддати тугаганига 90 кун ва ундан ортиқ вақт ўтган бўлса, яратилган захира ажратмаси миқдори кредит бўйича умумий қарздорликнинг 20 фоизидан кам бўлса, у ҳолда, мазкур кредитларнинг риск даражаси 150 фоизни ташкил қилади. Бу эса, муддати ўтган кредитларнинг брутто кредитлар ҳажмидаги салмоғи нисбатан юқори бўлган тижорат банкларининг ликвидлилигига ва капитал базасининг барқарорлигига салбий таъсир кўрсатади. Бунинг сабаби шундаки, биринчидан, республикамызда кредитлардан кўриладиган зарарларни қоплашга мўлжалланган захира ажратмалари тўлиқ тижорат банкларининг харажатиغا олиб борилади.

Бу эса, ўз навбатида, банкларнинг соф фойдасини капиталлаштириш даражасининг пасайишига хизмат қилади. Иккинчидан, муддати ўтган кредитларнинг 150% даражасида рискка тортилиши тижорат банкларининг рискка тортилган активлари суммасининг ошишига олиб келади. Бунинг натижасида тижорат банклари капиталининг етарлилик коэффициенти пасаяди. Учинчидан, кредитларнинг асосий қисми тижорат банкининг "Ностро" вакиллик

ҳисобрақамларини кредитлаш йўли билан амалга оширилади. Шу сабабли, кредитларнинг муддатида қайтмаслиги банкнинг ликвидли активлари миқдорининг камайишига ва шунинг асосида унинг жорий ликвидлилик даражасининг пасайишига олиб келади.

Муддати ўтган кредитларнинг риск даражасини ошиши натижасида тижорат банкларининг капитал базаси ва уларнинг ликвидлилигига нисбатан юзага келиши мумкин бўлган салбий таъсирга барҳам бериш учун Марказий банк томонидан тижорат банкларининг муддати ўтган кредитларига нисбатан қўйиладиган талаблар аниқлаштирилиши ва кучайтирилиши лозим. АҚШлик банк назорати бўйича экспертлар Базель-1 нинг айрим талабларига, шу жумладан, кредит рискини баҳолаш бўйича талабига нисбатан жиддий эътирозлар билдириб келинаётган эди. Базель-1 да тижорат банки томонидан мижозларга берилган кредитларнинг риск даражаси 100% қилиб белгиланган эди (ипотека кредитлари бундан мустасно). Банклар томонидан ҳукуматларга берилган кредитларнинг риск даражаси эса, ушбу мамлакатларнинг Ижтимоий-Иқтисодий Ҳамкорлик Ташкилотига аъзо ёки аъзо эмаслигидан келиб чиққан ҳолда белгиланар эди. Бу эса, АҚШлик экспертларнинг норозилигига сабаб бўлди. Улар ҳақли равишда эътироз билдиришди: нима Индонезия ҳукуматининг кредит тўловига лаёқатлилиги АҚШнинг "Женерал Моторз" компаниясиникидан юқорими? Базель кўмитаси экспертлари АҚШ экспертларининг эътирозини ҳисобга олишди ва халқаро кредитларнинг риск даражасини мамлакатнинг суверен кредит рейтингига боғлиқ равишда белгилаш тартибини жорий қилишди. Мавжуд бўлган



AAA дан C- гача ташқи рейтинглар шкаласида Базель II” В- дан кам бўлмаган рейтингларни эътиборга олади. Янада паст рейтингли юридик шахсларга (уларнинг қайси тармоққа алоқадор эканлигидан қатъий назар) юқори баҳолаш коэффициенти берилади (150% микдориди). “Базель II” томонидан, давлатлар ва марказий банкларга берилган (суверен рейтингли деб аталмиш) рейтинглар, у ёки бу корхона ёки кредит ташкилотининг яқка тартибдаги кредит рейтинглари ва экспорт кредит рейтинглари фаркланади.

Контрагентларнинг риск даражаси куйидаги тарзда аниқланади:

суверенларга нисбатан - давлатнинг ташқи кредит рейтингига боғлиқ равишда;

Биринчиси – резиденти у ёки бу банк, ёки маҳаллий ҳокимият идораси бўлган, давлатнинг ташқи кредит рейтингига асосланган.

Иккинчиси – банкнинг ёки маҳаллий ҳокимият идорасининг ўз рейтингига.

2008 йилда бошланган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози Базель кўмитасини банкларнинг капиталига нисбатан белгиланган талабларни кескин кучайтиришга мажбур қилди. Натижада Базель-III деб номланувчи янги Битим юзага келди ва унинг асосий жиҳатлари 2010 йилнинг 12 сентябридан кучга кирди. Ушбу янги Битим Базель-II ни бекор қилмайди, балки уни тўлдиради.

Базель-III нинг асосий талаблари:

1. Кўмитанинг Янги талабларини бажара олмаган тижорат банклари бонус тўловлари ва дивидендлар микдорини камайитишга мажбур бўладилар.

2. Акциядорлик капитали микдорига нисбатан белгиланган талаблар оширилди. Агар мазкур талаб бундан олдин

активларнинг рискка тортилган суммасини солиқ тўлангунга қадар бўлган микдорини 2 фоизини ташкил этган булса, энди Ушбу кўрсаткич мазкур сумманинг солиқ тўлангандан кейинги микдорининг 4,5 % даражасида белгиланди.

3. Биринчи даражали капиталнинг етарлилигига нисбатан белгиланган минимал талаб оширилди. Ушбу талаб 2013 йилдан 2015 йилгача бўлган даврда амалдаги 4 фоиздан 6 фоизга оширилади.

4. Капиталнинг химоявий «консервация «буфери» жорий этилади.

Капиталнинг химоявий «консервация «буфери» биринчи даражали капиталнинг 2,5 фоизи хажмида ташкил этиладиган кўшимча захирадан иборатдир. Шундай қилиб, биринчи даражали капиталга нисбатан белгиланган умумий талаб даражаси 7 фоизни ташкил этади (2,5% + 4,5 %).

5. Контрциклик буфер жорий этилади. Контрциклик буфер банк ўз капиталининг 0 %дан 2,5 фоизигача хажмда ташкил этилади ва кредитлаш хажмининг кескин ошишига тўсқинлик қилади.

6. Тижорат банкларининг ўз капитали ва жалб этилган капитали ўртасидаги нисбат. Ушбу нисбат рисксиз микдорни аниқлаш мақсадида қўлланилади. Рисксиз микдор сифатида биринчи даражали капиталнинг 3 % даражаси олинади. Мазкур кўрсаткич 2013-2017 йилларда жорий қилинади ва тегишли тузатишлардан сўнг директив аҳамият касб этади.

7. Liquidity Coverage Ratio (LCR) ва Net Funding Stability Ratio (NFSR) кўрсаткичлари жорий этилади. Тижорат банклари фаолиятини тартибга солишнинг иккинчи методологик асоси бўлиб, “CAMELS” рейтинг тизимининг тижорат

банклари активларининг сифатига,  
банкларнинг ликвидлиги,  
депозитларнинг етарлилигига ва бозор

рискка таъсирчанлигига қўйилган  
талаблар ҳисобланади.

**2-жадвал**

**“CAMELS” рейтинг тизимида тижорат банклари активларининг сифатини баҳолаш мезонлари<sup>2</sup>**

Рейтинг	Мезонлар
1 – кучли	5 фоизгача
2 – қониқарли	5% - 15%
3 – ўртача	15% - 30 %
4 – чегаравий	30% - 50%
5 – қониқарсиз	50 фоиздан юқори

2-жадвал маълумотларидан кўринадикки, “CAMELS” рейтинг тизимида тижорат банклари активларининг сифати 5 фоиздан 50 фоизгача ва 50 фоиздан ортиқ бўлган шкала бўйича баҳоланади. Бунда, активларнинг сифати тижорат банки рискка тортилган активлар суммасини жами капиталга бўлиш ва олинган натижани 100 фоизга кўпайтириш йўли билан аниқланади. Активларнинг сифати кўрсаткичи 50 фоиздан юқори бўлган банклар бешинчи тоифага киритилади ва уларнинг активлари сифати қониқарсиз, деб баҳоланади. Тижорат банклари активларининг сифат кўрсаткичини

меъерий талаблар даражасида бўлишини таъминлашда рискка тортилган активлар суммасининг ўсиш билан жами капиталнинг ўсиши ўртасидаги муносибликни таъминлаш муҳим аҳамият касб этади. Агар рискка тортилган активларнинг ўсиш суръатини жами капиталнинг ўсиш суръатидан ортиқда қолишига йўл қўйилса ва қисқа вақт ичида ушбу ҳолатга барҳам берилмаса, у ҳолда, тижорат банкида активлар сифати кўрсаткичини кескин пасайиши кузатилади. Бунинг натижасида банкнинг рейтинг баҳосини кескин пасайиш ҳолати юз беради.

**3-жадвал**

**“CAMELS” рейтинг тизимида банкларнинг ликвидлиги бўйича рейтинг<sup>1</sup>**

Рейтинг	Мезонлар
1 – кучли	Ликвидли активлар ҳажми етарлича ва ташқи манбаларни бемалол жалб қилиш мумкин
2 – қониқарли	Ликвидлилик пасаймоқда ва жалб қилинаётган ресурслар ҳажми ошмоқда. Аммо, ликвидлилик кўрсаткичи банк мансуб бўлган банклар гуруҳидаги ўртача кўрсаткичдан юқори
3 – ўртача	Ликвидли активлар ҳажми мажбуриятлар бўйича талабларни қоплашга ва миқдорларнинг кредитларга бўлган эҳтиёжларини тўлиқ қондиришга, жалб қилинган маблағлар ҳажмини оширмасдан туриб, етмайди.
4 – чегаравий	Ликвидлилик кўрсаткичи қабул қилинган меъёрдан сезларли даражада паст
5 – қониқарсиз	Банкнинг ликвидлиги шу қадар паст даражадаки, у операцияларни амалга ошириш имкониятига эга эмас ва унинг ўз мажбуриятларини бажара олишини таъминлашга қаратилган тезкор чоралар кўриш талаб этилади

3-жадвалда келтирилган фактологик маълумотлардан кўринадик, "CAMELS" рейтинг тизимида тижорат банкларининг ликвидлилик даражаси ликвидли активларнинг банк мажбуриятларини

бажаришга етиши ёки етмаслиги сифатида қаралмоқда. Шунингдек, тижорат банкларининг ликвидлигини баҳолашда уларнинг ташқи манбаларни жалб қилиш имконияти ҳам ҳисобга олинмоқда

4-жадвал

"CAMELS" рейтинг тизимида тижорат банкнинг бозор рискига таъсирчанлиги рейтинг<sup>1</sup>

Рейтинг	Мезонлар
1 – кучли	Бозор рискига таъсирчанлик яхши назорат қилинади ва молиявий натижа ёки капиталнинг йўқотишларга дуч келиш эҳтимоли жуда паст. Риск-менежмент амалиёти, риск таъсиридаги позицияларнинг миқдори ва мураккаблигини ҳисобга олган ҳолда, такомиллашган ҳисобланади.
2 – қониқарли	Бозор рискига таъсирчанлик етарли даражада назорат қилинади ва молиявий натижа ёки капиталнинг йўқотишларга дуч келиш эҳтимоли унчалик юқори эмас. Риск-менежмент амалиёти, риск таъсиридаги позицияларнинг миқдори ва мураккаблигини ҳисобга олган ҳолда, қониқарли ҳисобланади. Даромад ва капиталнинг даражаси бозор рискдан муносиб ҳимояланиш имконини беради.
3 – ўртача	Бозор рискини назорат қилиш такомиллаштиришни талаб қилади ёки молиявий натижа ёки капиталнинг йўқотишларга дуч келиш эҳтимоли юқори. Риск-менежмент амалиёти, риск таъсиридаги позицияларнинг миқдори ва мураккаблигини ҳисобга олган ҳолда, яхшиланиши лозим. Даромад ва капиталнинг даражаси бозор рискдан муносиб ҳимояланиш имконини бермайди.
4 – чегаравий	Бозор рискини назорат қилиш мақбул эмас ёки молиявий натижа ёки капитал йўқотишларга дучор. Риск-менежмент амалиёти риск таъсиридаги позицияларнинг миқдори ва мураккаблигига мос келмайди. Даромад ва капиталнинг даражаси бозор риск ҳажмини муносиб қўллаб-қувватлаш имконини бермайди.
5 – қониқарсиз	Бозор рискини назорат қилиш мақбул эмас ва рискнинг қабул қилинган даражаси банкнинг молиявий барқарорлигига хавф солади. Риск-менежмент амалиёти риск таъсиридаги позицияларнинг миқдори ва мураккаблигига мос келмайди.

4-жадвал маълумотларидан кўринадик, "CAMELS" рейтинг тизимида банкнинг бозор рискига таъсирчанлигини баҳолаш фоиз ставкаларини, валюта курсларини ва акцияларнинг баҳоларини ўзгаришини тижорат банкининг

даромадлигига таъсирини аниқлаш имконини беради.

Мунозара. "CAMELS" рейтинг тизимида тижорат банклари депозит базасининг барқарорлиги (ДБЕ) қуйидаги формула орқали аниқланади [10]:

$$ДБЕ = \frac{Асосий\ депозитлар}{Депозитлар - жами} \times 100\%$$

Ушбу кўрсаткичнинг энг паст меъёрий даражаси қилиб 75% қилиб белгиланган. Яъни, тижорат банкининг депозит базаси етарли бўлиши учун депозитларининг умумий ҳажмида асосий

депозитларнинг салмоғи камида 75 фоизни ташкил этиши лозим.

"CAMELS" рейтинг тизимида асосий депозитларга қуйидагилар киради:



- талаб қилиб олинадиган депозитларнинг барқарор колдиғи;
- муддатли депозитлар;
- жамғарма депозитлар.

Тижорат банклари фаолиятини тартибга солишнинг долзарб масалаларидан бири бўлиб, мувозанатлашган фоиз ставкасини шакллантириш ҳисобланади.

Мувозанатлашган фоиз ставкаси концепциясини амалда қўллашнинг биринчи фундаментал муаммоси шундаки, бу объект амалда кузатилмайдиган объект ҳисобланади. Исталган даврда ҳақиқатда кузатиладиган фоиз ставкаси (номинал ёки реал) мувозанатлашган ставка ҳисобланади, чунки, иқтисодиёт ҳар бир даврда маълум мувозанат ҳолатида бўлади. Бироқ, мувозанатлашган фоиз ставкаси деганда махсус шароитларда шаклландиган баъзи фоиз ставкалари тушунилади. Аммо, реал ҳаётда бундай фоиз ставкаларини шаклланишига қатъий ишониш қийин.

Нейтрал/мувозанатлашган фоиз ставкасини аниқлашнинг стандарт ёндашувида мувозанатлашган ставка маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва инфляция мувозанат ҳолатида бўлганда шаклланади. Номлари қайд этилган олимларнинг фикрича, мувозанатлашган ставка, молиявий циклнинг молиявий барқарорликка таъсири оқибатларини ҳисобга олган ҳолда, фақат ишбилармонлик цикли ҳисобга олинган моделларга қараганда, юқори бўлиши керак [11].

Иккинчи мураккаблик шундаки, ҳатто битта концепция доирасида ҳам (масалан, неокейнсча) мувозанатлашган ставка қайси модел (очиқ ёки ёпиқ иқтисодиёт; молиявий тарангликка (сиқув))эга иқтисодиёт ёки тарангликсиз

иқтисодиёт) кўриб чиқиладиганига қараб турли даражага эга бўлиши мумкин [12].

**Хулоса.** Фикримизча, республикамизда пул-кредит сиёсати инструментлари орқали тижорат банклари фаолиятини тартибга солиш амалиётини такомиллаштириш мақсадида қуйидаги тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир:

1. Марказий банкнинг қайта молиялаш сиёсатининг тижорат банклари фаолиятини тартибга солишдаги ролини ошириш мақсадида, биринчидан, Марказий банкнинг “икки имзо шарти”га асосланган дисконт кредитларини бериш амалиётини йўлга қўйиш керак; иккинчидан, ликвидлик ва тўловга қобиллик кўрсаткичларининг меъёрий даражаларини таъминлаган тижорат банкларига бериладиган гаровсиз марказлашган кредитлар ҳажмини ошириш лозим; учинчидан, тижорат банкларига, баланслашмаган ликвидлик муаммосини ҳал қилиш учун, бир операцион кун мобайнида фоизсиз кредитлар беришни жорий қилиш зарур; тўртинчидан, ижобий инфляцион ва девальвацион кутилмани таъминлаш орқали кредитларнинг номинал ва реал фоиз ставкалари ўртасидаги фарқнинг барқарорлигини таъминлаш керак.

2. Марказий банкнинг очиқ бозор операциялари ҳажмини халқаро рейтинг агентликларининг мақбул рейтингларига (камида ВВВ+) эга бўлган тижорат банкларининг (депозит сертификатлари) ва компанияларнинг (облигациялари) қимматли қоғозлари воситасида амалга ошириладиган очиқ бозор операциялари ҳисобидан ошириш лозим.

Ҳозирги даврда Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ўзининг

очик бозор операцияларининг объекти сифатида фақат Ҳукуматнинг қимматли қоғозларидан фойдаланмоқда. Бундай шароитда Марказий банк, Ҳукумат қимматли қоғозларининг эмиссия ҳажми кичик бўлганлиги сабабли, очик бозор операцияларининг ҳажмини ошириш имконига эга бўлмайди.

3. Марказий банкнинг мажбурий захира сиёсатининг тижорат банкларининг ликвидлиги ва ресурс базасига нисбатан юзага келиши мумкин бўлган салбий

таъсирига барҳам бериш мақсадида, биринчидан, банкларнинг хорижий валюталардаги депозитлари бўйича шакллантирилган захира ажратмалари суммасини миллий валютада ундириш тартибини бекор қилиш лозим; иккинчидан, хорижий валюталарга бўлган талабни камайтириш мақсадида нисбатан юқори ставкадаги мажбурий захира талабини фақат тижорат банкларининг талаб қилиб олинадиган депозитларига нисбатан ўрнатиш керак.

### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Mendoza E. Real Business Cycles in a Small Open Economy. *American Economic Review*, 1991. – 81(4). – P. 797–818.; Guo, J.-T. and Janko, Z. (2009). Reexamination of Real Business Cycles in a Small Open Economy. *Southern Economic Journal*, 2009. – 76(1). – P. 165–182.

2. Hamilton J., Harris E., Hatzius J. and West K. The Equilibrium Real Funds Rate: Past, Present and Future. *IMF Economic Review*, 2016. – 64(4). – P. 660–707.; Grafe C., Grut S. and Rigon L. Neutral Interest Rates in CEEMEA – Moving in Tandem with Global Factors. *Russian Journal of Money and Finance*, 2018. – N 77(1). – P. 6–25.; Beyer R. C. M. and Wieland V. Instability, Imprecision and Inconsistent Use of Equilibrium Real Interest Rate Estimates. *Journal of International Money and Finance*, 2019. – 94. – P. 1–14.; Lundvall H. and Westermark A. (2011). What Is the Natural Interest Rate? *Sveriges Riksbank Economic Review*, 2011. – 2. – P. 7–26.

3. He D., Wang H. and Yu X. Interest Rate Determination in China: Past, Present and Future. *International Journal of Central Banking*, 2015. – 11(4). – P. 255–277.

4. Giammarioli N. and Valla N. The Natural Real Interest Rate and Monetary Policy: A Review. *Journal of Policy Modelling*, 2004. – 26(5). – P. 641–660.; Kocherlakota, N. The Equity Premium: It's Still a Puzzle. *Journal of Economic Literature*, 1996. – 34. – P. 42–71.

5. Blanchard O., Furceri D. and Pescatori A. A Prolonged Period of Low Real Interest Rates? In: C. Teulings and R. Baldwin, eds., *Secular Stagnation: Facts, Causes and Cures.*, 2014. – London: CEPR Press. – P. 101–110.

6. Juselius M., Borio C., Disyatat P. and Drehmann M. Monetary Policy, the Financial Cycle, and Ultra-Low Interest Rates. *International Journal of Central Banking*, 2017. – 13(3). – P. 55 - 89.

7. Жумаев Н.Х. Ўзбекистонда валюта муносабатларини тартибга солиш методологиясини такомиллаштириш. И.ф.д. илм. дар. ол. уч. тақд. эт. дисс. автореф. – Тошкент, 2008. – Б. 10.

8. Шомуродов Р.Т. Банк тизимида монетар воситаларни такомиллаштириш йўллари. И.ф.н. илм. дар. ол. уч. тақд. эт. дисс. автореф. – Тошкент, 2009. – 19 б.



9. Йўлдошев О.А. Ўзбекистон Марказий банкнинг тижрат банклари фаолиятини тартибга солиш амалиётини такомиллаштириш. И.ф.н. илм. дар. ол. уч. дисс. автореф. – Тошкент, 2011. – 15 б.
10. Supervision and Regulation. CAMELS rating system. <https://www.federalreserve.gov>.
11. Barsky R., Justiniano A. and Melosi, L. The Natural Rate of Interest and Its Usefulness for Monetary Policy. *American Economic Review*, 2014. – 104(5), – P. 37–43.; Juselius M., Borio C., Disyatat P. and Drehmann M. Monetary Policy, the Financial Cycle, and Ultra-Low Interest Rates. *International Journal of Central Banking*, 2017. –13(3). – P. 55–89.
12. Wynne M. A. and Zhang R. Estimating the Natural Rate of Interest in an Open Economy. *Empirical Economics*, 2018. – 55(3). – P. 1291–1318.; Eggertsson, G. B. and Krugman P. Debt, Deleveraging, and the Liquidity Trap: A Fisher-Minsky-Koo Approach. *Quarterly Journal of Economics*, 2012. – 127(3). – P. 1469–1513.; Caballero R. J. and Krishnamurthy A. A Dual Liquidity Model for Emerging Markets. *American Economic Review*, 2002. – 92(2). – P. 33–37.
13. Kaplan R.S. The Neutral Rate of Interest. An Essay, 2018. Available at: <https://www.dallasfed.org//media/Documents/news/speeches/kaplan/2018/rsk181024.pdf> [accessed on 2 September 2019].
14. Rey H. Dilemma not Trilemma: The Global Financial Cycle and Monetary Policy Independence. NBER Working Paper, 2018. – N 21162. – P. 1-42.
15. Laubach T. and Williams J. (2003). Measuring the Natural Rate of Interest. *Review of Economics and Statistics*, 2003. – 85(4). – P. 1063–1070.
16. Beyer R. C. M. and Wieland V. (2019). Instability, Imprecision and Inconsistent Use of Equilibrium Real Interest Rate Estimates. *Journal of International Money and Finance*, 2019. – 94. – P. 1–14.